



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>**COMBATING VIOLENCE AGAINST WOMEN IN THE FAMILY****Komila R. Khonkeldieva***Senior Lecturer, PhD**Fergana State University**Fergana, Uzbekistan***Madina F. Bakhromova***Student**Fergana State University**Fergana, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: violence, victim, family conflict, need, material dependence, suffering, indifference, discrimination, fear, protective order.

Received: 15.02.2022**Accepted: 05.03.2022****Published: 08.03.2022**

Abstract: Non-interference in violence against women, considered a "family secret", leads to a deeply rooted problem in society. Because if a man threatens, injures, beats a woman, and if no action is taken, if she is not taken away from the family, of course, this situation will become permanent.

This article describes in detail about domestic violence against women, its types and assistance to women victims.

ОИЛАДА АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ

Комилахон Р. Хонкелдиева

Катта ўқитувчи, PhD

Фарғона Давлат Университети

Фарғона, Ўзбекистон

Мадинахон Ф. Баҳромова

Талаба

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: зўравонлик, жабрланивчи, оиладаги низолар, эҳтиёж, моддий қарамлик, изтиробга берилиш, лоқайдлик, камситилиш, қўрқув, химоя ордери.

Аннотация: Аёлларга нисбатан зўравонникларда аралашмаслик, бунга «оила сири» деб қараш мазкур муаммонинг жамиятда кенг илдиз олиб кетишига олиб келади. Негаки эркак аёлга дўқ урса, шикаст етказса, дўппосласа ва бунга чора кўрилмаса, гап оиласдан ташқарига чиқарилмаса, албатта бу ҳолат доимий тус олади.

Ушбу мақолада оиласдан аёлларга нисбатан зўравонлик, унинг турлари ҳамда жабрланган аёлларга кўрсатиладиган ёрдам ҳақида батафсил ёритилган.

БОРЬБА С НАСИЛИЕМ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН В СЕМЬЕ

Комила Р. Хонкелдиева

Старший преподаватель, PhD

Ферганский Государственный Университет

Фергана, Узбекистан

Мадина Ф. Бахромова

Студентка

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: насилие, потерпевший, семейный конфликт, нужда, материальная зависимость, страдание, равнодушие, дискриминация, страх, охранный ордер.

Аннотация: Невмешательство в насилие в отношении женщин, считающееся «семейной тайной», приводит к глубоко укоренившейся в обществе проблеме. Потому что если мужчина угрожает, ранит, бьет женщину, и если не предпринимать никаких действий, если ее не увести из семьи, конечно, эта ситуация станет постоянной.

В данной статье подробно рассказывается о домашнем насилии в отношении женщин, его видах и помощи пострадавшим женщинам.

КИРИШ

Зўравонликдан жабрланган шахслар хулқ-атворинингтаҳлили натижасида унинг куйидаги хусусиятларга эга эканлиги: жабрланувчига одамовилик, камгаплик хос бўлиб, оила аъзолари ва яқинлари билан мулоқот қилишни истамаслиги; ўзига паст баҳо бериш, шаъни, қадр-қиммати камситилганлиги юзасидан чукур изтиробга берилиши; қўркув ва хавотирдалиги сабабли ноиложсизлик ҳиссиётларини намоён этиши; ўзининг ташки кўриниши, табиий эҳтиёжларига бепарво бўлиб, тез-тез ўз жонига қасд қилиш тўғрисида фикрлаши ёки ўз ҳаётига суиқасд қилишга ҳаракат қилиши; овқат емаслиги ёки хаддан зиёд истеъмол қилиши, спиртли ичимликлар, гиёхванд/заҳарванд моддалар истеъмол қилишни хоҳлаши; мулоқот пайтида қўзларини олиб қочиши, кўз ёштўкиши, одамларга ишончсизлик билан муносабатда бўлиши; ўз фарзандларига нисбатан лоқайд ёки тажовузкор муносабатда бўлиши аниқланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зўравонлик содир этилиш эҳтимолидан дарак берувчи аломатлар: зўравонлик тушунчаси ва турлари ҳақида маълумотга эга эмаслик; хотира ва ақлий фаолият сустлиги, ногиронлик; бошқа шахсдан моддий ва бошқа қарамлик, қўркув мавжудлиги; ҳеч

кимёрдамбера олмаслиги тўғрисидагификрингмуқаррарлиги; келиб чиқишини тушунтириб беролмаган турли тан жароҳатларининг мавжудлиги; қўл ва юз ва тананинг бошқа қисмидаги шилиниш, кесиштилиниш, куйиш, тишланган жойлар; кийим остида яширинаётган тан жароҳатлари; юқори хавотир, бош оғриги; спиртли ичимликлар/тиёхванд моддаларга ружу қўйиш. Болалар ва кекса ёшдаги шахслар худди аёллар сингари зўравонликнинг қурбони бўлиш эҳтимоли юқоридир. Кўп ҳолларда айнан оиласидаги зўравонлиқдан жабрланганшахслар ўзларига етказилган зарап ҳақида ички ишлар органлари ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилишмайди. Бу кўпинча аёлларда кузатилади.

Суд-тергов идораларидан олинган маълумотлар ўрганилганида, аёлларга нисбатан эри томонидан зўравонлик ишлатилган тақдирда ҳам бу ҳақида маълумотларни ошкор қилмасликка, шундай ҳолатларни яширишга ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган тақдирида ҳам олган тан жароҳатини ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида олганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бунинг асосий сабабини, аёлларнинг оиланинг бузилиб кетишидан қўрқиши, оила сирини ташқарига чиқармасликка интилиши деб изоҳлаш мумкин.

Оиласидаги келган низони бартараф этишда жабрланувчининг ожиз ахволда эканлиги унинг жабрланишига шароит яратади. Кўп ҳолларда жабрланувчилар ўзининг салбий хулқ-автори, ахлоқи, маънавиятсизлигини намоён қилиб, жиноятнинг жабрланувчисига айланади. Бунинг асосий сабаби жабрланувчининг виктим (иғвогар) хулқ-авторидир.

Хотин-қизларга нисбатан содир этилган зўравонликнинг катта қисмини оиласидаги турмуш доирасидаги хукуқбузарликлар ташкил этади. Шахсларро муносабатларнинг нозиклигини, оиланинг сири маҳфий сақланиши сабабли профилактика борасида ички ишлар органлари ходимидан катта малака маҳоратталаб этилади. Профилактик тадбирларни амалга ошириш учун ички ишлар ходими: хукуқбузарлик содир этилган хонадонга бориб, низони бартараф этиш чораларини кўриши; оиласидаги мавжуд бўлган муаммолар ҳамда оиласидаги мухитни ўрганиб, низони юзага келтирган омилларни аниқлаши; ушбу хукуқбузарлик олдин содир этилган ёки этилмаганлигини, оила аъзолари ўртасида олдиндан адоват ёки зиддият мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганиб чиқиши; оиласидаги яшовчи шахсларнинг турмуш тарзи, оила мухитига таъсир этувчи салбий таъсирлар манбаларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши.

ХУЛОСА

Оиладаги низо, келишмовчилик ва жанжалнинг келиб чиқишибаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни белгилаши; ушбу жанжаллар оиланинг барбод бўлишига олиб келиши, оилани асраш, унинг мустаҳкамлигини таъминлашда эр-хотин ўзаро ҳамжиҳат, бамаслаҳат иш кўришлари, оилада мавжуд бўлган муаммоларнинг биргаликда ечимини топишга ҳаракат қилишларини тушунтириши; эр-хотин ўртасидаги жанжаллар оилада тарбиялананаётган фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, яъни уларнинг таълим олишида бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида тушунтириши; оилада эр-хотин ўртасида раشك ёки хиёнатнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши; оила ҳаётига эр ёки хотининг отаси ёки онаси аралашуви, уларни таъсир кўрсатиши каби ҳолатларни ўрганиши; аёлга нисбатан бефарқлик, уни тушунмаслик, унга салбий муносабатда бўлиш, хўрлаш, камситиши, ҳақорат ва тухмат қилиш каби ҳолатларни аниқлаши; эркакнинг хотинига нисбатан зўрлик ишлатиши, жабр-зулм қилиши мавжуд бўлса, уларни аниқлаб, бартараф этишчораларини кўриши; оилада келинга нисбатан турмуш ўртоғи ва бошқа аъзоларининг муносабатини ўрганиши; келиннинг ота-онаси, қариндош-уруғларнинг оилавий ҳаётга аралашуви каби ҳолатларни ўрганиши; оилада келинга нисбатан муносабат, унинг эҳтиёжлари билан қизиқиши, уй-рӯзғор юмушларини бажаришда унга ёрдам бериш, уни тушуниш ҳамда оиланинг бошқа аъзолари томонидан келинга нисбатан тазиий ёки зўравонликлар бор ёки йўқлигини аниқлаши; келинга ҳаддан ташқари кўп топшириқлар бериш, кўлидан келмайдиган ёки жисмоний имконияти этишмайдиган ишларни буориши ҳолатлари бор-йўқлигини ўрганиши; агарда қайнонанинг келинга нисбатан зўрлик ишлатиши, жабр-зулм қилиши мавжуд бўлса, уни бартараф этиш бўйича якка тартибда суҳбат ўтказиши, ҳимоя ордери бериши; такроран шундай ҳолатлар содир этилса, унда ички ишлар органларининг профилактик хисобига олиниши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши; эр ва хотин билан якка тартибда улар ўртасида мавжуд муаммолар, хукуқбузарликнинг келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳақида уларни тартибиша чакириш бўйича тарбиявий аҳамиятга молик суҳбатлар ўтказади, шунингдек яна шундай хукуқбузарликка йўл кўядиган бўлишса, амалдаги қонунлар асосида уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.
2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОХИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.
3. Хайдаров, X., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
4. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumatalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. *Наука сегодня: проблемы и пути решения [Текст]: материя*, 48.
5. Хонкелдиева, К., Рахимова, X., & Хасанхужаева, У. (2021). ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы [Текст]: мате*, 34.
6. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организаций: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).
7. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3 (01), 43, 46.
8. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 780-783.
9. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).
10. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
11. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdulkarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The

Competitiveness Of Light Industry Enterprises. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3, 01-40.

12. Хамракулов, И. Б. (2021). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ И РАЗВИТИЯ МАЛЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН. *Наука сегодня: проблемы и перспективы развития [Текст]: ма*, 2, 49.

13. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3 (01), 36, 39.

14. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).

15. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).

16. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(01), 113-117.

17. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Improving organizational effectiveness of industrial production. *Экономика и социум*, 3, 145-147.

18. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).

19. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 17-18).

20. Хамракулов, И. Б. (2021). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ И РАЗВИТИЯ МАЛЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН. *Наука сегодня: проблемы и перспективы развития [Текст]: ма*, 2, 49.

21. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материа*.

22. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 13-15).
23. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.
24. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).
25. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.